

Масжидул Набавий Рамазоннинг сўнги 10 кунда ташриф буюрувчилар учун очиқ бўлади



07:00 / 04.05.2021 2087

Мадина шаҳрида жойлашган Масжидул Набавий Рамазоннинг сўнги 10 кунда ибодат учун очиқ бўлади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Якшанба куни бошланиши керак бўлган Рамазоннинг сўнги 10 куни, Лайлатул Қадр кечаси муқаддас ойнанинг энг муборак даври ҳисобланади. Саудия Арабистони матбуот агентлиги (СПА) хабар беришича, масжидда коронавирус тарқалишининг олдини олиш ва намозхонларнинг фаровонлик билан ибодатни ўташларини таъминлаш учун қатъий чоралар кўрилган.

Ҳаж ва Умра вазирлиги Масжидул Ҳарамда Қадр кечасини ўтказиш учун рухсатномаларни Eatmarna ва Tawakkalna дастурлари орқали банд қилиб

олишлари мумкинлигини эълон қилди.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси